

VOLUME-1, ISSUE-12

Қозоғистон Республикаси давлат харидларининг
ривожланишини ўзига хослиги
Мўминов Зарифжон Зоҳиджон ўғли
Мустақил тадқиқотчи

Аннотация: Мазкур мақолада Марказий Осиё мамлакатлари ичida кучли иқтисодиётга эга бўлган Қозоғистон Республикаси давлат харидларининг ўзига хослиги ҳамда сўнги вақтларда ушбу соҳани янада такомиллаштириш учун амалга оширилаётган ислоҳотлар кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: Давлат харидлари, бюджет харажатлари, демпинг, рейтинг-балл тизими, веб-портал, марказлашган модел, рамка келишувлар, стол назорати, ягона ташкилотчи тизими, якуний бенефициар реестри, интеграция.

КИРИШ

Сўнги йилларда Марказий Осиё мамлакатларининг ижтимоий-иктисодий муаммоларини ҳал этишда давлат харидлари соҳаси муҳим ўрин тутаётганлигини кўриш мумкин. Мавжуд статистик маълумотлари таҳлили бюджет харажатларининг катта қисми давлат харидлари соҳасига тўғри келаётганлигини кўрсатмоқда. Хусусан, Қозоғистон Республикасида (*кейинги ўринларда – КР*) бюджет харажатларининг камидан бир қисми ушбу соҳага йўналтилимоқда [1]:

	ҚР бюджети	2020			2021			2022		
		йил	йил	йил	йил	йил	йил	йил	йил	йил
.	ҚР бюджет харажатлари хажми	13,8 трлн тенге		14 трлн тенге		15 трлн тенге				
.	Бюджет харажатларининг давлат харидларига йўналтирилган қисми (улуши)	4,5 трлн тенге (32,6%)		5 трлн тенге (35,7 %)		6 трлн тенге (40,0 %)				

АСОСИЙ ҚИСМ

2022 йилда Жаҳон банки томонидан давлат харидлари тизими самарадорлигини баҳолаш юзасидан ўтказилган тадқиқотга кўра, КР 63 балл билан жаҳонда 16, Марказий Осиё мамлакатлари орасида 1 ўринни эгаллаган [2]. Шундай бўлса-да, ҳукумат давлат харидлари самарадорлигини янада ошириш мақсадида қонунчиликни доимий равишда такомиллаштириб келмоқда. Жумладан, Президент Қ.Тоқаев 2023 йил 1 сентябрь куни Қозоғистон халқига йиллик мурожаатида давлат харидлари самарадорлигини янада

VOLUME-1, ISSUE-12

такомиллаштириш ҳамда бу орқали маҳаллий тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш учун соҳада коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш ва шаффофликни таъминлаш бўйича бир қатор ислоҳот йўналишларини таъкидлаб ўтди. Қонунчиликка тегишли ўзгартишлар киритиш орқали демпингга қарши самарали тўсиқ қўйиш, харид жараёнларини тўлиқ автоматлаштириш шулар жумласидандир. Бунда шикоятларни кўриб чиқишининг янги механизми ва жамоатчилик мониторинги институтини жорий этиш ушбу мақсадларга эришишда муҳим роль ўйнаши кўрсатиб ўтилди [3].

Бундан ташқари, энг паст нархни таклиф қилиш тамойили малакали етказиб берувчилар рейтинги ўртасида харид қилиш нормаси, нархсиз мезонлар асосида рейтингни шакллантириш тартиби ҳамда ишлаб чиқиш ҳаёт цикли харажатларидан фойдаланган ҳолда харидлар қайта кўриб чиқиш лозимлиги таклиф этилган. Мазкур соҳадаги ваколатли орган Молия вазирлиги томонидан товар ва хизматларнинг сифатсизлик муаммоси стандарт техник шартларни ва жамоатчилик мониторингини жорий этиш орқали ҳал қилинади.

Шунингдек, тендер натижалари бўйича лойиҳани амалга ошириш жараёни чўзилиб кетишининг олдини олиш мақсадида, Молия вазирлигига етказиб берувчилар тендер ҳужжатлари бўйича ўз шарҳларини билдиришлари ва тушунтиришлар сўрашлари мумкин бўлган муддатни 5 кун этиб белгилаш тавсияси киритилмоқда. Шу билан бирга, давлат харидлари соҳасида ғолиб чиққан ташкилот билан минимал нархга келишилгандан сўнг, қўшимча келишув тузиб, шартнома миқдорини оширадиган ҳолатларни назорат қилиш таклифи билдирилган [1].

Давлат харидлари соҳасига “рейтинг-балл тизими” ҳам жорий этилмоқда. Бу орқали, комиссия аъзолари томонидан камчиликлари мавжуд таклифларни қабул қилиши ёки қўйилган талабга мос таклифни асоссиз рад этишни бартараф этиш учун харидларни амалга ошириш тартиб-таомиллари автоматлаштирилиб, инсон иштироки бартараф этилади. Веб-портал автоматик равишда потенциал етказиб берувчиларга тегишли балларни белгилайди ва ғолибни аниқлайди. Шу билан бирга, ҚР давлат харидлари марказлашган моделини ҳамда рамка келишувлар тизимини амалиётга кенг татбиқ қилиш орқали коррупцион схемаларни камайтиришга эришмоқчи. Шунингдек, ҚР давлат харидларида етказиб берувчилар ўз рақобатчиларининг таклифларини кўриб чиқишилари ва харид қилувчи ташкилот талабларига мувофиқлигини текширишдаги мавжуд стол назорати жараёнини такомиллаштириб, шикоятларини онлайн тарзда юбориш имкониятини қўшиш таклифи ҳам билдирилган [4].

VOLUME-1, ISSUE-12

Қозоғистон жорий этилган фавқулодда ҳолатларда маҳаллий тадбиркорларни кўллаб-куватлаш учун яратилган маҳаллий ишлаб чиқарувчилар реестри ва кафолатли депозит ёки банк кафолати тўлашни истисно қилувчи маҳсус давлат харидлари режимини янада такомиллаштироқчи [5].

Халқаро ташкилотлар томонидан эътиrozлар билдирилишига қарамасдан, КР давлат харидлари тизимида маҳаллий тадбиркорликка зарар етказмаслик ҳамда уларни кўллаб-куватлаш бўйича қонунчилик орқали қатор имкониятлар яратилган. Хусусан, давлат харидлари тизимида ихтисослаштирилган харидлар хизматининг аналоги бўлган ягона ташкилотчи тизими мавжуд. Унга кўра, айрим товарлар, ишлар ва хизматлар давлат харидларининг ягона ташкилотчиси орқали харид қилиниши шарт. Бундан ташқари, “Давлат харидларини амалга оширишнинг маҳсус тартиблари” (маълумотлари давлат сирини ташкил этувчи товар, иш, хизматларни харид қилишда) ва товар биржалари орқали харид қилиш каби қатор истиснолар мавжуд.

Таъкидлаш жоизки, давлат корхоналари (миллий холдинглар), шу жумладан “Байтерек” акциядорлик жамияти, “КазАгро” акциядорлик жамияти ва “Самрук-Казина” акциядорлик жамиятлари учун маҳсус қоидалар қўлланилади [6].

Шу билан бирга, Евроосиё иқтисодий иттифоқи (*кейинги ўринларда - ЕОИИ*) иштирокчиси сифатида Қозоғистон давлат харидларини амалга оширишда ЕОИИга аъзо мамлакатлар томонидан кўллаб-куватланадиган “миллий режим” тўғрисидаги қоидага амал қиласди [7].

2022 йил Коррупцияга қарши давлатлар гурухи (ингл. Group of States Against Corruption - GRECO) томонидан ҳам КР давлат харидлари тизимини янада яхшилаш учун тавсиялар бериб ўтилган. Бунда давлат харидлари учун масъул шахслар учун муносаб ҳақ тўлаш даражасини белгилаш, малака талабларига риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш, манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва олдини олиш ҳамда аниқланган тақдирда шартномани бекор қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, компанияларнинг якуний бенефициарлари реестрини шакллантириш, харидларда ушбу компанияларнинг шўйбаларидан фойдаланишининг олдини олиш мақсадида уларнинг бутун мулкчилик занжирини кузатиш учун шароит яратиш ҳамда назорат қилувчи ваколатли идоралар фаолиятини интеграция қилиш тавсиялари ҳам билдирилган [1].

ХУЛОСА

VOLUME-1, ISSUE-12

Жаҳон банки томонидан ўтказилган тадқиқотда ҚР давлат харидлари яхши натижалар кўрсатганлиги нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилаётганлиги ҳамда соҳадаги ислоҳотларнинг изчил давом эттираётгани ушбу мамлакат тажрибасини ўрганиш ва ундан фойдаланиш имкониятларини қўриб чиқиш мақсадга мувофик.

Юқоридагиларни инобатга олиб, мамлакатимизда давлат харидлари жараёнини такомиллаштириш мақсадида қўйидаги таклифларни илгари сурин мумкин:

- инсон омилини бартараф этиш мақсадида “рейтинг-балл тизими”ни ва сифатни белгиловчи стандарт техник шартларни жорий этиш. Бунинг натижасида танлов комиссиясини тугатиш мумкин. Веб-портал автоматик равишда потенциал етказиб берувчиларга тегишли балларини белгилайди ва ғолибни аниқлайди;

- ғолиб чиққан ташкилот билан минимал нархга келишилгандан сўнг, қўшимча келишув тузиб, шартнома миқдорини оширадиган ҳолатларни назорат қилишни кучайтириш.

- маҳаллий тадбиркорларни қўллаб қувватлаш учун маҳаллий ишлаб чиқарувчилар реестрини шакллантириб, миллий манфаатлар кесимида уларга алоҳида имтиёз берувчи ҳолатларни ишлаб чиқиш;

- давлат харидлари учун масъул идоралар ходимлари учун муносиб ҳақ тўлаш даражасини белгилаш;

- малака талабларига риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш ва манфаатлар тўқнашуви аниқланган тақдирда шартномани бекор қилиш;

- буюртмачи компания вакиллари ўзларига қарашли шўйба фирмалар харидлар жараёнида ғолиб бўлиб, иш, хизматлардан фойдаланишнинг олдини олиш мақсадида компанияларнинг бутун мулкчилик занжирини кузатиш имконини яратиш мақсадида компанияларнинг якуний бенефициар эгаларининг долзарб реестрини шакллантириш;

- давлат харидлари соҳасига таалуқли бўлган барча идоралар фаолиятини тўлиқ интеграция қилиш.

VOLUME-1, ISSUE-12

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар:

1. Реформировать госзакупки - это значит изменить всю систему госуправления. URL: <https://exclusive.kz/reformirovat-goszakupki-eto-znachit-izmenit-vsyu-sistemu-gosupravleniya/> [04.07.2023].
2. Хамитов Ж.М. Антикоррупционный мониторинг в системе управления государственными закупками. Диссертация на соискание степени доктора по образовательной программе. - Ас.: 2022 г. - С. 46.
3. Госзакупки в Казахстане будут работать по-новому - Токаев. URL: <https://orda.kz/goszakupki-v-kazahstane-budut-rabotat-po-novomu-tokaev-375737/> [01.09.2023].
4. Одна из самых коррумпированных сфер. Что не так с госзакупками в Казахстане - мнения экспертов. URL: https://tengrinews.kz/kazakhstan_news/odna-samyih-korrumpirovannyih-sfer-ne-s-goszakupkami-508794/ [02.09.2023].
5. В коронакризис госзакупки не сыграли роли стабилизатора экономики РК. URL: <https://kz.kursiv.media/2021-08-20/kursiv-research-v-koronakrizis-goszakupki-ne-sygrali-roli-stabilizatora/> [20.08.2021].
6. Основное, что нужно знать о государственных закупках. URL: <https://zakupki.kz/blog/article/12> [18.04.2023].
7. Мухтар Е.С. Регулирование логистических процессов в системе государственных закупок Республики Казахстан: проблемы и перспективы. Диссертация на соискание степени доктора философии. - Ал.: 2017 г.